

Ўзбекистоннинг энг яхши ОТМлар рейтинги эълон қилинди

Ўзбекистоннинг энг яхши олий таълим муассасалари рейтинги эълон қилинди, деб хабар берди UniRank. Repost'нинг ёзишича, рейтингда кучли учталиқни Тошкентдаги ОТМлар – Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Тошкент Ахборот технологиялари университети, Тошкентдаги Инҳа университети эгаллаган.

Ушбу рейтинг қуйидаги меъзонларга асосланиб тузилган:

- Ўзбекистондаги ОТМларнинг давлат органлари томонидан лицензиялаш ва / ёки аккредитациялаш;
- камида тўрт йиллик бакалавр ва / ёки бошқа таълим даражаларини (магистратура ва докторантура) таъминлаш ваколати;
- таълимни асосан анъанавий шаклда ўқиш жойида ўтказилишини таъминлаш.

Қайд этилишича, UniRank Олий таълим муассасалари бўйича етакчи халқаро ахборот ва қидирув тизими ҳисобланади. Унда дунёнинг 200 та мамлакатлари бўйича 13 600 дан ортиқ расман тан олинган университетлар ҳақидаги маълумотлар ва рейтинглар тақдим этилган.

Рейтингдан ўрин олган университетларнинг тўлиқ рўйхатини UniRank расмий сайтидан кўриш мумкин.

Манба: uza.uz